

PROBLEMS OF SEPARATION OF CIVIL-LEGAL ELEMENTS IN REGULATING LEGAL RELATIONS IN PROFESSIONAL SPORTS

Mambetbay Tleumuratov

An independent researcher at Karakalpak State University

Annotation. In this article, the author mentions the civil law regulation of professional sports in our country. It also describes the concept, types, subject of civil-legal elements in legal relations arising in the field of professional sports.

Keywords. Professional sports, sports organizations, athletes as a subject of law, the art of interest.

ПРОФЕССИОНАЛ СПОРТ СОҲАСИДА ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРНИ АЖРАТИШ МУАММОЛАРИ

Мамбетбай Тлеумуратов

Қорақалпоқ давлат университети мустақил изланувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада муаллиф томонидан давлатимизда профессионал спорт соҳасини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш айтилган. Шунингдек, профессионал спорт соҳасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларда фуқаролик – ҳуқуқий элементлар тушунчаси, турлари, предмети ҳақида баён этилган.

Калит сўзлар. Профессинал спорт, спорт ташкилотлари, спортчилар ҳуқуқ субъекти сифатида, қизиқтириш маҳорати.

Кўплаб ўн йилликлар давомида миллий жисмоний тарбия ҳаракати олдида икки томонлама вазифа турарди: бир томондан, соғлиқни сақлашни яхшилаш, ўзларининг меҳнат ва ҳарбий вазифаларини самарали бажариш учун кенг оммани жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш ва шу қабилир бўлса, иккинчиси, кўпгина спорт турлари бўйича халқаро майдонда устунликни сақлаб қолиш ва ривожлантириш. Шунинг учун машҳур шиор: "Оммавийликдан – маҳоратга!" пайдо бўлган. Кейинчалик, кадрятлар қайта баҳоланди – спорт, маълум даражада, мустақил категорияга айланди. Бу, хусусан, кўплаб спорт турларида Бутуниттифок микёсда турли мусобақаларни ўтказишда акс этган эди. Аммо айнан шу ерда оммавийлик ва маҳорат ўртасидаги зиддият пайдо бўлди, кейинчалик тобора чуқурлашди ва кучайиб кетди. Гап шундаки, юқори натижа спорти, оддий жисмоний тарбиядан фарқли ўлароқ, нафақат спорчи машғулотлар ва мусобақаларда қатнашиш вазифаларига тўлиқ бўйсунуши, балки спортчининг ўзи ва унинг оиласи ҳаёти учун ҳам маблағни талаб қиларди. Ғарбда бу қарама-қаршилиқ дастлаб оддийгина ҳал қилинди: энг оммабоп спорт турлари (бокс, кураш, футбол ва бошқалар) вакиллари профессионалларга айланишди¹.

Мамлакатимизда гарчи барча вақтларини катта спортга бағишлаган одамлар кўп бўлсада, яқин вақтгача профессионал спортчилар гўёки мавжуд бўлмаган. Табиийки, бу муҳим спорт мажмуалари даражасини сақлаб қолиш ва энг хилма-хил даражадаги мусобақаларни ўтказиш учун баъзида анча катта

¹ Мирсаидов М.С., Шарипов А.Д. Физическая культура в условиях рынка. На примере республики Узбекистан // Изд. "Узбекистан" 1992 г. С.19.

моддий ва молиявий ресурсларни талаб қилди. Айнан мана шу нарса аҳолининг катта қисмида норозиликнинг сабабларидан бири бўлган эди. Шунини таъкидлаш керакки, бир неча йиллардан буён олимлар ва мутахассислар орасида юксан натижалар спортни рақиблар ва химоячилари ўртасида ошқора баҳс-мунозаралар бўлиб келмоқда. Бундай ҳолда, иккаласининг ҳам аргументацияси моҳиятини чуқур ўрганишга ҳожат йўқ, аммо шунини таъкидлашимиз мумкинки, бундай муаммо мавжуд ва уни ўзaro айблаш орқали эмас, балки спорт ҳаракати ва жисмоний тарбия ва спортни миллий миқёсда ривожлантиришнинг мавжуд тенденциялари, халқаро амалиётни, шу жумладан олимпия ҳаракатини ҳисобга олган ҳолда, спорт тузилмаларни илмий таҳлил қилиш орқали ҳал қилиш керак. Бир нарса мутлақо аниқ: мамлакатда янги иқтисодий алоқалар ҳукм сурадиган шароитда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш концепциясини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур, чунки бу муносабатлар барча тузилмаларга, шу жумладан жисмоний тарбия ва спортга ҳам бевосита таъсир қилади.

Ҳозирги босқичда энг яхши спортчиларнинг профессионал хорижий жамоаларга ўтиш билан боғлиқ маълум бир оқими аллақачон юзага келган. Агар юритимизда профессионаллар спортни шакллана бошламаса, бу ўтиш охир-оқибат оммавий тусга эга бўлади. Мамлакатимиз дунёга тобора кўпроқ очилиб бормоқда ва биз юксак натижалар спортини узок вақт давомида давлат рақибидан "қамаб" туролмаймиз. Шу сабабли, бизнингча тижорат спортининг ривожланишига ҳисса қўшадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш зарур кўрилади, чунки бу мамлакатда бутун жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини ривожлантириш учун кучли стимулга айланиши мумкин. Шу билан бирга, ёдда тутиш керакки, спортчиларнинг мусобақаларда қатнашиши ва умуман тижорат спортидаги мусобақалар фойдалидир: ўйин-кулгидан ва спортча рақобатдан фойдаланган ҳолда кўшимча фойда олиш, иштирокчилари учун эса ўзини, компания ёки клубни, унинг молиячисини намоёни этиш, ўзини моддий жиҳатдан таъминлаш мумкин. Бу Олимпия ҳаракати идеаллари билан ҳеч қандай алоқаси йўқ², бироқ бу бозор иқтисодиёти "идеалларига" тўлиқ мос келади. Бизнинг мамлакатимиз, умуман, ҳар бир суверен республика бозор муносабатларига кирганлиги сабабли, спортни тижоратлаштириш муқаррар. Бунда давлат асосан иқтисодий ва ҳуқуқий чоралардан фойдаланган ҳолда тартибга солиш, мувофиқлаштирувчи манба сифатида ҳаракат қилиши керак. Умуман олганда, мамлакатнинг бозор муносабатларига кириши жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мавжуд иқтисодий муносабатларни қайта кўриб чиқишни ва муайян ўзгаришларни талаб қилади.

Профессионал спортчиларнинг пайдо бўлиши билан бу соҳада ижтимоий муносабатлар пайдо бўлмоқда ва тобора жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Профессионал спорт фаолиятини ривожлантириш билан уни ҳуқуқий тартибга солиш механизми муаммоси янада муҳим аҳамият касб этади.

Бутун ҳуқуқ тизимининг асосий негизи - Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир. Республикамиз фуқаролари конституциявий, шу жумладан жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга оид ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғридан-тўғри қўлланилади ва кўшимча тартибга солишни талаб қилмайди. Аммо бугунги кун ҳақиқати шундаки, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақиқатда давлат томонидан химояланиши, уларнинг бузилиши учун жавобгарлик қафолатлари билан қўллаб-қувватланиши керак. Ушбу ҳуқуқлар спорт соҳасида янги қонунларни қабул қилишни тақозо этади. Профессионал спорт соҳасида пайдо бўлаётган муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2015 йил 4 сентябрдаги янги таҳрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мураккаб характерга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг муҳим таркибий қисмидир, улар жумладан конституциявий, фуқаролик, меҳнат ва халқаро ҳуқуқ нормаларини ўз ичига олади. Бу таълим, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик, хусусийлаштириш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги қонунчилик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларни амалга ошириш жараёнида келиб чиқадиган ҳуқуқий

² В Олимпийской Хартии Международного олимпийского комитета (МОК) имелось т.н. правило 26, запрещающее получение спортсменами любой финансовой или материальной выгоды от участия в спортивных соревнованиях.

муносабатларни тартибга солувчи кўплаб қонун ҳужжатларида фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, фаол турмуш тарзи орқали соғлиғини сақлаш ва шу билан бевосита Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳаёт сифатини таъминлаш соҳасидаги замонавий давлат сиёсатининг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосини "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ташкил этади. Бошқа ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат сингари, у ўз даврига тегишли бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Жисмоний тарбия ва спорт фаолиятини ислоҳ қилишдаги бурилиш даври – бу бизнинг давримизнинг белгиларидан биридир. Шу сабабли, юқорида айтиб ўтилган Қонунда кўп жиҳатдан тубдан янги бўлган ҳуқуқий муносабатларга ўтишнинг аниқ аломатлари мавжуд.

Қолверса, профессионал спорт соҳасида фуқаролик, меҳнат, жиноят ҳуқуқи ва бошқа соҳалар нормалари билан тартибга солинадиган кўплаб муносабатлар мавжуд. Аммо биз учун ушбу нормаларни кўриб чиқиш асосий мақсад эмас, чунки ишнинг мавзуси фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга асосланган. Шунга кўра, биз фақат фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинадиган спорт соҳасидаги муносабатларни кўриб чиқамиз. Ҳуқуқ соҳалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳуқуқий тартибга солиш бъекти ва методи ёрдамида фарқланади. Ҳозирги вақтда жисмоний тарбия ва спортни бошқариш тизими республика миқёсида ҳам, минтақа миқёсида ҳам мақбул эмас. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги норматив-ҳуқуқий база республикамиз ҳар бир фуқаросининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, профессионал спортнинг ҳар томонлама шаклланиши ва ривожланишини таъминлаш ҳуқуқини тўлиқ амалга оширишга имкон бермайди. Буни хусусан, спортчи ва спорт ташкилоти (спорт клуби) ўртасидаги шартномавий муносабатларда кўриш мумкин. Ушбу профессионал спорт субъектлари ўртасида тузилган шартнома (контракт) ҳозирги кунда халқаро ва миллий жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларининг уставлари асосида ишлаб чиқилган ва профессионал жисмоний тарбия ва спорт уюшмалари томонидан миллий спорт турлари уюшмалари билан келишилган ҳолда тасдиқланган нормалари ҳамда меҳнат қонунчилиги нормалари билан тартибга солинади. Кўриниб турибдики, қонун чиқарувчи шартномавий муносабатларни асоссиз равишда мураккаблаштирмоқда. Спорт фаолиятининг мураккаб хусусияти профессионал спортчилар ишини максимал даражада ҳуқуқий тартибга солишни таъминлайдиган ҳуқуқ соҳаларидан фойдаланиш зарурлигини белгилайди. Зеро, меҳнат ҳуқуқи – бу атроф-муҳитни ўзгартириш ва маълум бир натижага эришиш учун инсоннинг мақсадли фаолияти жараёни сифатида тушунилган, меҳнатни тартибга солувчи ягона тармоқ эмас³.

А.В.Санникованинг фикрига кўра, "бозор иқтисодиётига ўтиш ва меҳнат бозорини шакллантириш тараққий этиб бориши сайин, инсоннинг меҳнат фаолиятидан келиб чиқадиган муносабатларнинг товар табиати тобора аниқ кўриниб турибди"⁴. Ваҳоланки, бугунги фуқаролик қонунчилиги спорт муносабатлари аниқ тартибга солишга имкон беради, фақат ушбу муносабатларнинг фуқаролик-ҳуқуқий моҳиятини белгилаш зарур, профессионал спорт фаолияти жараёнида томонларнинг ҳуқуқий муносабатларини меҳнат муносабатларига боғлаш эса, аксинча бир қатор ечими қийин масалаларни келтириб чиқаради. Ушбу масалаларни профессионал спортчи иштирокидаги шартномага бағишланган параграфда алоҳида кўриб чиқамиз. Профессионал спорт мустақил фаолият сифатида мамлакатимизда фаол ривожланмоқда. Профессионал спорт – бу тадбиркорлик фаолияти бўлиб, унинг асосий мақсади профессионал спорт ташкилотлари, бу касбни танлаган спортчилар ва томошабинлар манфаатларини қондириш билан бирга даромад олишдир. Фуқаролик қонунчилигида тадбиркорлик фаолияти

³ Шевченко О.А. Правовая доктрина регулирования труда в сфере профессионального спорта и пути ее реализации в России: монография. – М.: Проспект, 2015. – 224 с; Исмоилов Ш.А. Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари: юрид. фан. докт. дис. ... автореф. – Тошкент: 2020. – 55 б.

⁴ Санникова А.В. Проблемы правового регулирования отношений найма труда (цивилистический аспект): автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. 1986. – С.25

белгиланган тартибда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган шахслар томонидан мол-мулкдан фойдаланиш, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан мунтазам равишда фойда олишга қаратилган фаолият деб тан олинади. Бинобарин, спорт соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг мақсади манфаатларни қондириш эмас, балки тизимли равишда фойда олишдир⁵.

Шу йўлдан борган ҳолда тан олиш мумкинки, профессионал спортчи ва унинг иш берувчиси ўртасидаги муносабатларнинг асоси меҳнат шартномаси эмас, балки унга турдош бўлган ҳақ эвазига ишларни бажариш фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси бўлиб, унга мувофиқ бир томон (ижрочи) ўз зиммасига спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришишга имкон берадиган сифатларни эгаллаш учун ўқув-машғулот фаолиятини амалга ошириш ва бошқа томон (буюртмачи) спортчи эришган натижалардан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритгани учун ушбу ишлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Бунда, ушбу фаолият маҳсули бўлиб ғоят ўзига хос сифат – **спорт маҳорати** намоён бўлади. Фуқаролик муомаласида ушбу маҳсулот мулк объекти ўрнини эгаллайди, ундан фойдаланиш ҳуқуқи мулкдор томонидан шартнома шартлари асосида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа субъектларига ўтказилади. Шунинг учун буюртмачи томонидан ижрочининг ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилганлиги учун неустойка олиниши мумкин ва айнан шу ҳуқуқий конструкция доирасида учинчи шахслар - давлат, федерация, мураббий, спортчи билан шартнома тузилишидан олдин таҳсил олган таълим муассасаси ҳуқуқларини таъминлаш мумкин. Шу билан бирга, фуқаролик битимларини амалга оширишда спорт маҳоратидан фойдаланиш ҳуқуқини баҳолаш мезонларини ҳам аниқлаш мумкин бўлади. Ҳозирги кунда аниқ мезонлардан бири бу спорт ютуқлари ва спортчининг рақобатбардош фаолияти натижаларидир. Халқ хўжалигининг бир тармоғи сифатида жисмоний тарбия ва спорт ишлаб чиқаришнинг номоддий турига ёки «истеъмол ишлаб чиқариши» деб аталадиган маҳсулотга киради, унинг маҳсулоти – бу спорт хизматлари, номоддий товарлардир⁶. Профессионал спортнинг яна бир муҳим элементи – бу қизиқтириш жиҳати. У ёки бу спорт турларида қизиқарлилик қанча кўп бўлса, мусобақадан даромад (фойда) шунча кўп бўлади. Проф. Е.А.Суханов қайд этганидек, мулкий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи предметининг асосий, устун қисмини ташкил этади. Ушбу неъматларга нафақат жисмонан моддий нарсалар, балки қадимги рим ҳуқуқида «*res incorporales*» - "моддий бўлмаган ашёлар" деб аталадиган айрим ҳуқуқлар (масалан, пул эмас, балки омонатчининг банкка талаб қилиш ҳуқуқи киради). Мулкий муносабатлар, шунингдек, бажарилган иш ва хизмат натижалари, шу жумладан аниқ ашёвий кўринишда акс этмаган (масалан, юк ташиш, сақлаш, маданий-кўнгилочар характердаги хизматлар) натижаларига нисбатан пайдо бўлади, чунки бундай натижалар ҳам товар шаклига эга⁷.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, профессионал спорт соҳасидаги қизиқарлилик товар шаклига эга, бу эса ўз навбатида фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш предметига киради.

Профессионал спорт соҳасидаги муносабатларда иштирок этадиган субъектларнинг мақомини аниқлаш. Бизнинг тадқиқотимиз субъектлари – бу спортчилар, спорт ташкилотлари (федерациялар, клублар). Профессионал спортчининг фуқаролик мақомини аниқлаш турли спорт турлари бўйича маълум мусобақаларда қатнашиш учун муҳим аҳамиятга эга. Фуқаро (жисмоний шахс), фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси сифатида, уни муайян тарзда ажратиб турадиган ва унинг ҳуқуқий мақомига таъсир кўрсатадиган бир қатор ижтимоий ва табиий белгилар ва сифатларга эга.

⁵ Sakho A., Kamara M., Ly M.S. Sport et contrat de travail. - Dakar: Harmattan-Senegal, 2013. - 153 p.

⁶ Siekmann R.C.R., Soek J. Towards a Typology of (International) Comparative Sports Law (Research) // Lex sportiva. What is Sports Law? Hague: Asser Press, 2012.- 125 p.

⁷ Pautot S., Pautot M. Les contrats de travail des sportifs / Préface de P. Diouf. - Voiron: Presses universitaires du sport, 2012. - 178 p.

Бундай белгилар ва сифатлар фуқаронинг исмини, фуқаролигини, ёшини, жинси, оилавий аҳволи, соғлиғининг аҳволини ўз ичига олиши керак⁸.

Ушбу фикрлар профессионал спорт соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда фуқаролик ҳуқуқи элементларини ажратишда қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. Профессионал спортчининг фуқаролик мақомини аниқлаш турли спорт турлари бўйича маълум мусобақаларда қатнашиш учун алоҳида аҳамият касб этади. Фуқаро (жисмоний шахс), фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси сифатида, уни муайян тарзда ажратиб турадиган ва унинг ҳуқуқий мақомига таъсир кўрсатадиган бир қатор ижтимоий ва табиий белгилар ва сифатларга эга. Бундай белгилар ва сифатлар фуқаронинг исмини, фуқаролигини, ёшини, жинси, оилавий аҳволи, соғлиғининг аҳволини ўз ичига олиши керак.

2. Спорт маҳорати – фуқаролик муомаласида мулк объекти ўрнини эгаллайди, ундан фойдаланиш ҳуқуқи мулкдор томонидан шартнома шартлари асосида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа субъектларига ўтказилади. Буюртмачи томонидан ижрочининг ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилганлиги учун неустойка олиниши мумкин ва айнан шу ҳуқуқий конструкция доирасида учинчи шахслар - давлат, федерация, мураббий, спортчи билан шартнома тузилишидан олдин таҳсил олган таълим муассасаси ҳуқуқларини таъминлаш мумкин.

3. Профессионал спортнинг яна бир муҳим элементи – бу **қизиқтириш** жиҳати. У ёки бу спорт турларида қизиқарлилик қанча кўп бўлса, мусобақадан даромад (фойда) шунча кўп бўлади. Мулкий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи предметининг асосий, устун қисмини ташкил этади. Ушбу неъматларга нафақат жисмонан моддий нарсалар, балки қадимги рим ҳуқуқида «res incorporales» - "моддий бўлмаган ашёлар" деб аталадиган айрим ҳуқуқлар (масалан, пул эмас, балки омонатчининг банкка талаб қилиш ҳуқуқи киради). Мулкий муносабатлар, шунингдек, бажарилган иш ва хизмат натижалари, шу жумладан аниқ ашёвий кўринишда акс этмаган (масалан, юк ташиш, сақлаш, маданий-қўнгилочар характердаги хизматлар) натижаларига нисбатан пайдо бўлади, чунки бундай натижалар ҳам товар шаклига эга. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, профессионал спорт соҳасидаги қизиқарлилик товар шаклига эга, бу эса ўз навбатида фуқаролик- ҳуқуқий тартибга солиш предметига киради.

4. Буни хусусан, спортчи ва спорт ташкилоти (спорт клуби) ўртасидаги шартномавий муносабатларда кўриш мумкин. Ушбу профессионал спорт субъектлари ўртасида тузилган шартнома (контракт) ҳозирги кунда халқаро ва миллий жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларининг уставлари асосида ишлаб чиқилган ва профессионал жисмоний тарбия ва спорт уюшмалари томонидан миллий спорт турлари уюшмалари билан келишилган ҳолда тасдиқланган нормалари ҳамда меҳнат қонунчилиги нормалари билан тартибга солинади. Кўриниб турибдики, қонун чиқарувчи шартномавий муносабатларни асосиз равишда мураккаблаштирмақда. Спорт фаолиятининг мураккаб хусусияти профессионал спортчилар ишини максимал даражада ҳуқуқий тартибга солишни таъминлайдиган ҳуқуқ соҳаларидан фойдаланиш зарурлигини белгилайди. Меҳнат ҳуқуқи – бу атроф-муҳитни ўзгартириш ва маълум бир натижага эришиш учун инсоннинг мақсадли фаолияти жараёни сифатида тушунилган, меҳнатни тартибга солувчи ягона тармоқ эмас.

⁸ Раҳмонкулов Х.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 8 б; Матқурбанова Р.Ж. Проблемы правосубъектности граждан (физических лиц) в гражданском праве: автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Ташкент: 2008. – 4 с.